

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

МАВЛУДА ЁҚУБОВА

**ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
МАДАНИЯТНИНГ АХБОРОТЛАШУВИ
(услубий қўлланма)**

ТОШКЕНТ - 2010

Услубий қўлланма Фалсафа йўналиши ва унинг негизидаги мутахассисликларга мўлжалланган, унинг мазмуни Давлат таълим стандартларига мос. Унда ахборот дунёси маданияти масалалари хусусан маданият ва техника муштараклиги, компьютер ва одамлар саломатлиги муаммоси, ахборот техникаси ва санъат, компьютер одоби ва компьютер жинойтчилиги масалалари ҳамда жамиятни ахборотлаштириш жараёнида виртуал борликдан фойдаланишнинг афзалликлари тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Услубий қўлланмадан бакалавр, магистр, аспирант ва тадқиқотчилар, шунингдек жамият ахборотлашуви жараёнлари билан қизиқувчи турли соҳа мутахассислари фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир: фалсафа фанлари доктори, профессор
Шермухамедова Нигинахон Арслановна

Такризчилар:

ЎзМУ Фалсафа факультети “Миллий ғоя ва ижтимоий фалсафа” кафедраси доценти, фалсафа фанлари доктори Фахриддин Мусаев

Тошкент Иқтисодиёт университети, “Фалсафа” кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент
Азамат Мухторов

Ушбу услубий қўлланма Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий - методик кенгашининг 2010 йил 26 октябрда бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (Баённома №1).

Кириш

XX аср воқелиги мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясини давлат сиёсатининг таркибий қисмига айлантирмоқда. Зеро, соғлом дунёқарашли, маънавий баркамол инсонни тарбиялаш мамлакат келажагининг пойдеворидир. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов “Албатта, ҳар бир бандага ризқ-насибани Оллоҳ таоло беради. Лекин бу ҳаётда насибаси бутун ва тўла бўлиши учун инсоннинг ўзи ҳам чин дилдан интилиши, зурриёдини соғлом муҳитда тарбиялаши катта аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз зарур”¹ деб ёзади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий тизимдаги ислохотлар нафақат фаровон турмуш тарзини йўлга қўйиш, балки маънавияти юксак янги авлодни шакллантиришга хизмат қиладиган ижтимоий-маънавий муҳитни яратишни назарда тутди. Шу боисдан ҳам, республикаимизда маънавий камолот устивор аҳамият касб этмоқда. Бу эса маънавий ҳаётимизнинг ахборотлашувини тақозо қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозирги пайтда ҳаётимизни электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радиосиз умуман тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий-эстетик озиқ берадиган ва ҳордиқ чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда, десак, хато бўлмайди².

Шу боис, глобаллашув ва ахборотлашув жараёнидаги туб ўзгаришлар жараёнида маданият ва ахборот ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқликни ҳозир кун талаби асосида такомиллаштириш асосий вазифалардан биридир. Зеро, бугунги кунда маданият ва техника ўртасидаги муносабатларнинг мутаносиблиги, компьютер ва одамлар саломатлиги, яъни «инсон – компьютер» системасини лойиҳалаш ва тузиш чоғида гуруҳий эргономик кўрсаткичларга риоя қилиш муаммолари, замонавий ахборот воситаларининг юксак маданиятни оммага тарқатишдаги ўрни ва аҳамияти; жамиятни ахборотлаштириш жараёнида ахлоқий муаммоларнинг кескинлашуви, маънавий инқироз масалаларига чек қўйиш мақсадида компьютер одоби, компьютер

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 58 б.

² Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. - 134 б.

саводхонлиги ва компьютер маданияти масалаларини такомиллаштириш ва инсонпарварлашувга чек қўйиш, жамиятнинг компьютерлашуви ахборотдан ғайри қонуний фойдаланиш яъни компьютер жиноятчилигининг авж олиниши, виртуал борлиқ ва уни инсон маданий фаолиятининг турли соҳаларида қўлланилиши, тиббиёт соҳасида компьютердан фойдаланиш афзалликлари ахборот технологиялари жамиятимизнинг барча соҳаларини қамраб олганлигидан далолат бермоқда.

Зеро, XXI асрда маданиятнинг ахборотлашуви инсоннинг маънавий етуклиги, сиёсий ҳушёрлигини ошириш омилларидан бири бўлиб хизмат қилади. Шу боис, ушбу услубий қўлланмада маданият ахборотлашувининг ижтимоий аҳамияти ва фалсафий таҳлилини беришга ҳаракат қилинди.

Маданият ва техника муштараклиги

Жамият ва инсон ҳаётида маданият қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этишнинг ҳожати бўлмаса керак. Айнан маданият жамият тараққиётининг муайян босқичини тавсифлайди. Ҳар қандай жамият тараққиёти, унинг у ёки бу вақт ва макондаги даражаси кўп жиҳатдан фуқаролар маънавияти, турмуш тарзи, кишиларнинг маънавий-моддий, эҳтиёжлари ҳамда уларнинг қай даражада қондирилишига боғлиқдир.

Маданият - табиат ва ўзаро муносабатларда акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос шаклини ифодаладиган тушунчадир¹. Инсон ўзининг табиий “номукаммаллигини”, айнан маданият билан тўлдиради. Агар табиат биологик инсонни яратса, жамият уни ижтимоий шахс қилиб тарбиялайди, маданият эса инсон ижтимоий моҳиятини намоён қилади.

Маданиятнинг ривожланиши муаммолари ҳамда бу ривожланишга турли омиллар – табиат, техника, сиёсат ва бошқаларнинг таъсири фалсафий рефлексиянинг азалий муаммоларидан бири ҳисобланиши бежиз эмас. Зеро, ҳозир жадал ривожланаётган фан-техника тараққиёти натижалари билан маданиятнинг ўзаро муносабати муаммоси биринчи ўринга чиқмоқда.

Соф фалсафий нуқтаи назардан олиб қараганда, маданият ва техниканинг ўзаро муносабати бутун ва қисм диалектикасининг алоҳида ҳолатларидир. Кишилиқ тарихининг барча босқичларида техника маданиятнинг ажралмас қисми ҳисобланган, унинг моддий негизи бўлиб хизмат қилган. Қадимги юнонча «Techne» ва лотинча «Cultura» бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва моҳият эътибори билан бир нарсани – табиий мавжуд нарсалардан фарқли ўлароқ, сунъий тарзда яратилувчи нарсалар соҳасини ифодалаган. Кейинги тарихий босқичларнинг барчасига, айниқса, ҳозирги босқичга маданият ва техниканинг муштараклиги хосдир.

Маданият ва техниканинг муштараклигини қайд этган ҳолда, улар ўртасидаги мураккаб муносабатларни четлаб ўтиш ҳам мумкин эмас. Бу муаммони турлича талқин қилинмоқда. Маданият ва техника ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблиги ҳамда муаммони

¹ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. - Т.: Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. -272 б.

тушунишдаги муқобиллик, бир томондан, маданият кўп қиррали ижтимоий ҳодисадир. У турли-туман таркибий қисмларни, чунончи, моддий ишлаб чиқаришни, санъат, фалсафани ҳамда маънавиятнинг бошқа соҳаларини ўз ичига олади. Табиийки, маданиятнинг бу ҳар хил таркибий қисмлари билан техника ўзаро муносабатининг бир хил механизми бўлиши мумкин эмас. Бошқа томондан, техниканинг ўзи ҳам жуда мураккаб ҳодиса, у болгадан компьютергача бўлган ҳар хил сифатли артефактларни ўз ичига олиши билан изоҳланади. Бунда маданият билан ҳар хил техник қурилмаларнинг стандарт ўзаро муносабатига ўрин йўқ. Ниҳоят, шуни эътиборга олиш керакки, маданият билан техниканинг ўзаро таъсири жараёнида ижтимоий, сиёсий, фалсафий, ахлоқий ва бошқа ҳолатлар узвий боғланади.

Бундан ярим аср муқаддам америкалик социолог У.Огбёрн маданиятнинг ривожланиши ва фаолиятида техника ҳал қилувчи рол ўйнашини кўрсатиб, «моддий» ва «номоддий» маданиятларнинг ривожланишидаги қарама-қаршилиқни қайд этиб ўтган эди.¹ Унинг фикрича, техник ривожланиш маънавий ривожланишдан ўзиб кетади ва маънавий ривожланишни янги шароитга мослашишга мажбур қилади, номоддий маданиятни янги изланишларга ва шу орқали ривожланишга даъват этади. Унинг «маданий қолоқлик назарияси»га асосланиб, Ч.Чоу «икки маданият»нинг қатъий чегараланиши тўғрисидаги ғояни илгари суради².

Ахборотлашган жамият шаклланаётган шароитда, радио ва телефонлар, телевизорлар ва магнитофонлар, принтерлар ва сканерлар, калькуляторлар ва компьютерлар, Интернет халқаро ахборот тизими ва ихтисослашган тармоқлар нафақат моддий ишлаб чиқариш соҳасига, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, балки унинг маънавий ҳаётига ҳам тобора кучли ва мураккаб таъсир кўрсатаётган пайтда маданиятга техниканинг таъсири масаласи ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Д.Белл ҳозирги жамиятнинг уч соҳаси - ижтимоий тузилмалар, сиёсий ташкилотлар ва маданий қадриятлар соҳаларини ажратиб, технократик йўл билан тартибга солинувчи ижтимоий тузилмалар таъсир кўрсатувчи иқтисодиёт билан жамият маданий секторининг ўзаро муносабатлари тобора кескинлашиб

¹ Огбёрн Г. Философия техники. –М.:Современные тетради, 2005. – С.35

² Чоу Ч. Современная западная культура. –М.: Алтейя, 2006. – С.145

боришини қайд этади. Маданият ўз ҳолича мавжуд ижтимоий институтлар ва амалдаги қонунларга нисбатан душманона кайфиятда бўлади, у яккаҳокимликка ҳамда ижтимоий ривожланишнинг сиёсий ва техник-иқтисодий тенденциялари стандартлашувига қарши ҳаракат қилади¹. Маданиятга техника салбий таъсир кўрсатади деган фикрни қўллаб-қувватлаб, Х.Ортега-и-Гассет шундай деб қайд этади: «Техника, бир томондан, инсонга муайян, моҳият эътибори билан, чексиз қобилият ато этгани ҳолда, бошқа томондан, инсон ҳаётида жуда катта бўшлиқ ҳосил бўлишига олиб келади, ҳар бир одамни фақат ва фақат техникага ишониб яшашга мажбур қилади... Шу боис бизнинг ўта техникавий ҳозирги давримиз ўта мазмунсиз бўлиб қолди»².

Техника маданиятга салбий таъсир кўрсатади деган фикрга қарши айрим олимлар техника маданиятга ижобий таъсир кўрсатади деган фикрни илгари сурмоқдалар. Чунончи, 1982 йилда АҚШда Микроэлектроника ва компьютер техникаси корпорациясига асос солган И.Файгенбаумнинг фикрига кўра, ахборотлашган жамиятни вужудга келтирувчи компьютер инқилобини мантикий фикрлайдиган машиналар амалга оширади. Яқин келажакда компьютер системаларини билмаган одам интеллектуалликка даъвогар бўла олмайди³.

Техниканинг ялпи ҳукмронлиги ва маданиятга ижобий таъсири ҳақидаги бундай оптимистик қарашлар баъзан танқидий эътирозларга дуч келмоқда. Компьютер техникаси ходимларнинг ижодий қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши, уларнинг ақли, мулоҳазакорлиги ўтмаслашишига олиб келишини қайд этган ҳолда, оптимистик технократизм танқидчилари инсон ҳаётининг ўзи ҳам компьютер «мезони» билан ўлчаниши, инсоннинг машина билан ўзаро алоқаси одамларнинг ўзаро алоқалари эталонига айланиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқдалар. Айни вақтда, бундай хавfli тенденцияларни бартараф этишнинг ҳар хил йўллари таклиф этилмоқда. Масалан, К.Хефнер одамлар билан ахборот машиналари ўртасида оқилона алоқалар йўлга қўйиладиган, инсонпарварлик

¹ Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. - М.: Academia, 1999. - С. 220

² Ортега-и-Гассет Восстание масс // Избр. труды. - М.: Весь мир, 1997, - С. 221

³ Ленк Х. Размышления о современной технике. - М., 1996, - С. 108

тамойилларига асосан компьютерлаштирилган жамият барпо этиш ғоясини илгари суради.¹

Машҳур фантаст ёзувчи С.Лем ўзининг «Маданият хато сифатида» деган мақоласида фан-техника тараққиёти таъсирида ҳозирги маданиятнинг келажаги ҳақида ўзига хос фикрни илгари суради. У маданиятни инсоннинг тасодифларга мослашиш воситаси, номақбул ҳодисаларга кўникишимизга ёрдам берувчи шартлиликлар системаси деб ҳисоблайди. Маданият инсонни ўзгартирмайди, балки у табиий ривожланиш жараёнига билдириши мумкин бўлган барча эътирозлардан сақлайди, бу йўлдаги барча тасодифий ҳодисалар ва жараёнларни оқлайди, инсонни бир лаҳзали эҳтиёжларга мослаштиради. Шу боис маданият – хато, инсониятнинг ўз тадрижий ривожланиш йўлидаги ўзига хос «протезлари»дир. Техник цивилизация сохта қадриятларни янги қадриятлар билан алмаштиради. Бу нуқтаи назардан у эски маданиятни тугатади, инсон эркин ҳаракат қилиши мумкинлигини эълон қилади. Аммо ўтмишнинг маданий қадриятларига кўниккан инсон улардан халос бўлишга қаршилик кўрсатади, ўз техник халоскорига орқа ўгиради. Хуллас, техник тараққиёт маданиятни вайрон қилади. Илгари биологиянинг зўравонлиги ҳукм сурган жойда эркинлик беради. Янги технология анъанавий маданиятга таҳдид солиши ҳақидаги барча гап-сўзлар – рост. Тўғри, маданият тарихий қадрият бўлиб қолади. Аммо у кишилиқ жамиятида содир бўлган ўзгаришларга мувофиқ тарзда парчаланади ва йўналтирилади¹.

Техника ижтимоий ворисийликнинг моддий ташувчисидир. Кишилиқ жамиятида авлодлар ўртасида алоқа техника орқали амалга оширилади. Техника ёрдамида табиатни бўйсундириб, инсон ўз атрофида сунъий муҳит, яъни объектив борлиқнинг иккинчи босқичини вужудга келтиради, янги маданий қадриятлар яратади, янги маданий идеалларни шакллантиради. Шу тариқа техника ҳозирги маданиятга, ҳозирги одамнинг ҳаёти, турмуши, урф-одатлари, сезгилари ва кайфиятига кириб келади. Э.Тоффлер бу ҳақда шундай деб ёзади: «Технология бизнинг дунё ҳақидаги ва ўзимиз ҳақимиздаги фикрларимизни қамраб олади. Технологиянинг кириб келиши нима

¹ Лем С. Собрание сочинений. Т.10.- М.: Наука, 1995. - С. 248- 250.

яхши-ю, нима ёмонлиги, оқиллик ва ақлсизлик, одиллик ва адолатсизлик, оқилоналик ва нооқилоналик, гўзаллик ва хунукликни қандай тушуниш кераклиги ҳақидаги қарашларимизни ўзгартиришни тақозо этди»¹. Техника бизнинг дунёни ва ўзимизни тушуниш усулимизга билвосита таъсир кўрсатади. У қаршимизда техника асбоб-ускуналарининг гўзаллигини намоён этади, дунёни идрок этишни кенгайтириш учун кенг имкониятлар яратади. Ўз навбатида, маданият янги техникани тушунишни ва жамиятнинг уни эътироф этишини енгиллаштиради, ижтимоий ривожланиш мезонига айланади. Хуллас, техника маданиятга зинҳор қаршилиқ кўрсатмайди. Аксинча, у маданиятнинг таркибий қисми, маданий ривожланиш маҳсули ҳисобланади, жамият маданий салоҳиятининг барча томонларига таъсир кўрсатади.

Маданиятнинг ривожланишида техниканинг роли ҳақидаги қарама-қарши фикрлар бугунги кунда ахборот техникасининг ривожланишида ёрқин намоён бўлаётган тенденцияларни акс эттиради. Ахборот техникаси, бошқа ҳар қандай техника сингари, яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам хизмат қилиши мумкин. Бу тенденциялар компьютер маданияти деб номланаётган ҳозирги маданиятга жамиятни компьютерлаштиришнинг таъсири жараёнида айниқса ёрқин намоён бўлмоқда. Шахснинг эркин ривожланиши билан бир вақтда, бу ерда инсоннинг автоматлашуви, ахборотнинг кўпайиши билан бир вақтда технократик фикрлаш, коммуникатив имкониятларнинг ортиши билан бир вақтда одамлар ўртасидаги алоқаларнинг камайиши, жамиятдаги инқирозли ҳолатлар бартараф этилиши билан бир вақтда ҳаётнинг ноинсонпарварлашуви содир бўлмоқда. Ижтимоий-психологик нуқтаи назардан, ахборотлаштириш одамлар ҳаёти ва фаолиятининг анъанавий циклини ва умуман, одамлар турмушининг маромини бузади; маънавий нуқтаи назардан – шахслараро алоқа қадриятини сиқиб чиқаради, реал дунёни виртуал дунё билан алмаштиради; сиёсий нуқтаи назардан эса – шахсий ва оммавий онгни бошқариш имкониятларини кучайтиради.

Фикрлаш, миянинг ишлаши жараёнини билиш одамларнинг дунёни тушунишига, ўзлигини англашига катта таъсир кўрсатади. Инсоннинг ўзлигини англаши натижаларини олдиндан башорат

¹ Тоффлер Э. Новая технологическая волна на Западе. - М.: Прогресс, 1986. - С.161.

қилиш қийин. «Инсон миясини билиш одамларни ғурурланишга мажбур қилиши эҳтимолдан холи эмас. Аммо инсон миясининг номукаммаллиги англаб етилиши натижасида бу ғурурга зарба берилиши ҳам мумкин»¹, деб қайд этади Дж.Томсон. Шу нарса аниқки, инсоннинг ўзлигини англаши одамларнинг дунёқарашини, уларнинг дунёдаги ўз ўрнига, инсоний кадриятларга муносабатини ўзгартиради. Масалан, эстетикада миянинг ритмни қабул қилиш механизмини, санъат асарларини идрок этишда олинадиган лаззат даражаси ва хусусиятини аниқлаш катта аҳамият касб этади.

Бунда ахборот техникаси инсоннинг фикрлаш жараёнига қандай таъсир кўрсатишини ҳам ҳисобга олиш керак. Инсоннинг тадрижий ривожланиши жараёнида меҳнатнинг ахборотлашувига қараб шаклланган оқилоналик ва эмоционалликнинг уйғунлиги аста-секин йўқолиб боради. Бу технократик фикрлаш тарзининг кучайишига олиб келади. Бунда яхшилик ва гўзаллик идеаллари ўрнига оқилоналик, самарадорлик ва мақсадга мувофиқлик мезонлари биринчи ўринга чиқади. Табиий илмий ёндашув ўрнини сунъий-техник, информацион ёндашув эгаллайди. Бунда инсоннинг диққат марказига энг аввало у кўниккан моддий-энергетик тафсилотлар эмас, балки символлар кўринишида берилган ахборот тушади ва инсон машина билан сунъий тилда алоқа қилади (машина объектив борлиқ вазифасини бажаради). Инсоннинг манфаатпарастлиги тобора кучайиб боради, у ахборот, моддий бойликлар кетидан кувади. Бу руҳий дискомфорт ҳолатини вужудга келтиради, шахс ўзига хослигини йўқотади, унинг умумий маданий савияси пасаяди, боз устига, меҳнатнинг ноинсонпарварлашуви содир бўлади, бунинг оқибатида инсон хулқ-атворининг жуда кўп салбий шакллари – дарғазаблик, агрессивлик, конфликтлилик ва бошқалар кучаяди. Инсонпарварлаштириш – инсонни табиий ҳолатига ва уйғун ривожланишга қайтариш муаммоси юзага келади.

Ахборотдан компьютер, телевидение, аудио, радио, телефон орқали пассив фойдаланиш дам олиш, ижод қилиш, билишнинг фаол шакллари аста-секин сиқиб чиқаради, қатъий фикрлаш тарзини шакллантиради, одамларни бир-бири билан бевосита алоқа қилишдан маҳрум этади. Шахсий алоқалар майдонининг торайиши, жонли

¹ Томсон Дж. Предвидимое будущее. - М.: Иностр. Литер, 1998. - С. 164-165.

табиатдан узоқлашиш дунё манзарасини соддалаштиришга интилишни, қарорлар қабул қилишдан чўчишни, масъулиятдан қўрқишни кучайтиради.

Шаклланаётган маданиятга фикрлаш услубининг ўзгариши хосдир. Компьютерлар изчил ва мантикий ишлайди ва одамларни фикрлаш услубини абстракциянинг энг юқори – алгебраик даражасида такомиллаштиришга мажбур қилади. Эмоционал бой геометрик фикрлаш тарзи сиқиб чиқарилади. Психологларнинг айтишига қараганда, ривожланган мамлакатларда эйдетизм, яъни хотиранинг нарсалар ва ҳодисалар ёрқин образларини сақлаб қолиш қобилияти йўқолиб бормоқда. Табиий тил ўз хусусиятлари – кўп маънолилиги, бўёқларга бойлигини йўқотмоқда. Компьютерларнинг алгоритмик тили инсонни метафизик фикрлашга, унинг диалектик томонидан кўра, формал-мантикий томонига кўпроқ аҳамият беришга ўргатади. Инсоннинг интуицияси сусаяди, фикри ўтмаслашади, ижод қилиш қобилияти ҳисобга олинмай қўяди. Жамоага компьютерларнинг «парчаловчи» таъсири, «компьютер элитаси»нинг ажралиши кузатилади, инсоннинг муайян фойдали кўникмалари, асрлар мобайнида тўпланган «касб сирлари» ва маҳоратнинг йўқолиши содир бўлади.

Айни вақтда, компьютерлар фойдаланувчиларни оғир ноижодий ишдан халос этиб, уларнинг ижодий қобилиятлари ривожланиши учун кенг имконият яратади, инсондан ўз зарарли одатларидан воз кечишни, касбий билимлари, маънавий фазилатлари, умумий маданиятини оширишни, ўз фикрини аниқ таърифлашни талаб этади. Буларнинг барчаси инсоннинг феъл-атворида муайян тарзда акс этади. Унинг меҳнатга нисбатан масъулияти ортади, меҳнатнинг ўзи ҳам интеллектуал жиҳатдан бойийди, ўз мажбурий хусусиятини йўқотади, шахс ўз қобилиятини эркин намоён этувчи майдонга айланади. Компьютерлар одамларда мустақил ўқиб билим олиш қобилиятини ривожлантиради, уларга юзага келган масаланинг оқилона ечимини топишни ўргатади. Аста-секин инсоннинг машина билан алоқаси маданияти шаклланади. Бу алоқа жараёнида машина билан фойдаланувчи интерфаол терминал ёрдамида ва маълум қоидаларга биноан ўзаро ахборот алмашади.

Инсоннинг оқилонлаштирилган фикрлаш тарзи ўзини куршаган борлиқ, жамият ва табиатни бошқача идрок этади. Инсоннинг табиатни идрок этиши масаласига келсак, нафақат фикрлашнинг оқилонлаштирилиши, балки ўзини куршаган табиий муҳитга инсоннинг салбий таъсири унинг табиатни идрок этиш мезонлари ва усулларига таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта. Романтик санъатга хос бўлган табиатни шоирона идрок этиш ўтмишда қолади. Поэтика ўрнини оқилона ҳисоб-китоб эгаллайди, инсон энг аввало табиатдан ўз манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш ҳақида ўйлайди. В.В.Розанов ўз вақтида қайд этганидек, «техника инсон руҳига қўшилиб, унинг қудратини оширди. Аммо уни ўзига бўйсундирди. «Техник рух» пайдо бўлди... Илҳом эса ўлди»¹.

Хуллас, одамлар ҳаёти ва фаолиятининг муайян омилларига уларнинг гўзаллиги, ахлоқий ва, умуман, маънавий қадрияти нуқтаи назаридан эмас, балки одамлар амалиётининг руҳсиз воситалари деб қарала бошланади. Бу ҳолат ҳозирги маданият ютуқларига инсонпарварлик нуқтаи назаридан баҳо беришни қийинлаштиради ва ҳатто бунга ҳалақит беради. «Дунёни илмий-техникавий ўзлаштириш таъсири остида инсон тафаккури мақсадга йўналтирилган, оқилона, соф инструментал қобилиятга айланди ва фан-техника маданиятининг стратегик мўлжалларини танқидий таҳлил қилишга қодир бўлмай қолди»², деб қайд этади Б.Марков.

Бинобарин, ахборотлаштиришнинг инсонга таъсирининг ижобий омилларини, билимларнинг кўпайиши, ўзаро алоқа имкониятларининг кенгайиши, ақлий меҳнатга мойилликнинг ривожланиши, аниқ ва пухта фикрлашнинг тарбияланишини қайд этиш мумкин. Айни вақтда, ахборотлаштириш муайян салбий оқибатларга ҳам олиб келади, шахс ва жамиятнинг ахборот хавфсизлиги муаммоси долзарб тус олади. Тобора мураккаблашиб бораётган ҳисоблаш техникасидан кўрқиш (компьютерофобия), компьютерда ишлашда электромагнит нурланиш ва одамлар чарчоғининг ортиши, компьютер вирусларининг зарарли таъсири, ахборотлаштириш жараёнининг ноинсонпарварлашуви ва ҳарбийлашуви, ижтимоий онгни манипуляция қилиш, одамлар хулқ-

¹ Розанов В.В. Мысли о литературе. -М., 1993, - С. 223.

² Марков Б. Очерки социальной антропологии. -СПб, 1998. - С. 25

атворида изоляцион тенденцияларнинг кучайиши, ижтимоий ва оилавий алоқаларнинг сусайиши, компьютер ёлғизлиги, янги маънавий-маданий мўлжалларнинг шаклланиши, руҳий касалликлар, реал дунёни виртуал дунёга алмаштиришга уриниш – буларнинг барчаси бугунги кун ҳодисаларидир. Ҳозирда жамият ишлаб чиқараётган ахборот ҳажми деярли ҳар куни икки баравар кўпаймоқда, шу боис жадал ўсиб бораётган ахборот юкламасига инсоннинг мослашиш имкониятлари камайиб бормоқда.

Шундай қилиб, ҳозирги замон маданиятини ахборотлаштириш жараёни кўп омилли ва зиддиятли жараён бўлиб, у биринчи навбатда инсонни ривожлантиришни назарда тутди. Ахборот техникасини ўзлаштириш жараёни инсоннинг маданий салоҳиятини оширишни тақозо этади. Компьютер системалари мураккаблашишига қараб инсон тафаккури катта компьютерлар учун дастурларнинг бажарилишини назорат қилолмай қолади. Улар тўғри ишлаётганини фақат нисбатан кучлироқ компьютер назорат қилиши мумкин. Мазкур компьютерга нисбатан эса яна назорат масаласи юзага келади. Германиялик тадқиқотчи В.Циммерлининг фикрича, ахборотга ишлов бериш системалари устидан назоратнинг ишончлилиги назорат қилувчи системалар миқдорида тескари пропорционалдир¹. Бошқача қилиб айтганда, назоратчи қанча кам бўлса, система шунча яхши ишлайди. Натижада инсон томонидан яратилган интеллектуал системалар унинг ўзидан тобора кўпроқ ажралиши ва узоқлашиши хавфи туғилади. Бу жамиятда компьютерлардан фойдаланишга муайян чеклашлар жорий қилишни тақозо этади. Америкалик мутахассис Ж.Мур бундай чеклашнинг қуйидаги принципларини таърифлаб берди:

1. Одамлар амалда қўллашни мўлжаллаган қарорларни ҳеч қачон компьютерлар қабул қилмаслиги керак.

2. Инсон оқилона қабул қилиши мумкин бўлган қарорларни қабул қилиш ҳеч қачон компьютерларга топширилмаслиги керак.

3. Инсон бекор қилиш ёки тузатишга қодир бўлмаган мустақил қарорларни компьютерлар қабул қилмаслиги керак².

¹ Циммер В. Информатика и информатизация. – М.: Энциклопедия, 2001. – С.109

² Мур Ж. Компьютеризация XXI века.- М.: Алтейя, 2000. –С.15

Маданиятга ахборот техникасининг таъсир кучи бу техника қай даражада қўлланилаётганига бевосита боғлиқ. Ахборот техникаси қай даражада қўлланилаётгани бу техникани идрок этувчи ва ундан ўз амалий фаолиятида фойдаланувчи субъектнинг қобиляти, билими ва кўникмалари билан белгиланади. Бинобарин, ахборот техникаси маҳсулидан оқилона фойдаланиш, бу технология ёрдамида ўз ҳаётини, дунёни ўзгартириш учун инсон, энг аввало, инсоният тўплаган улкан маданий салоҳиятдан фойдаланган ҳолда ўзини ўзгартириши лозим. Шу боис, жамиятнинг компютерлаштирилишига қараб, инсонни ривожлантириш вазифаси бош ижтимоий-маданий вазифага айланади.

Таниқли инсонпарвар олим Э.Фромм инсон ўзининг энг ардоқли орзуларига етишга ҳеч қачон ҳозиргидек яқин бўлмаганини қайд этади ва ўз ўқувчиларига қуйидаги савол билан мурожаат этади: хўш, одамлар инсониятнинг бошқа бир орзуси – баркамол инсон ҳақидаги орзуга етишга яқинлашдими? «Бундай саволлар бериш ноқулай, чунки уларга қандай жавоб берилиши тайин, - деб ёзади олим. – Гарчи биз ажойиб нарсалар яратган бўлсак-да, ўзимиз ҳали уларга муносиб бўла олганимиз йўқ»¹.

Инсон ҳаёти ва фаолиятининг турли соҳаларида содир бўлаётган жадал ўзгаришлар одамларда жисмоний ва руҳий стресс ҳолатларини шакллантирмоқда. Одамлар кўпинча бундай ўзгаришларга мувофиқ тарзда мослаша олмаяптилар, бу уларда келажак билан тўкнашувдан шок ёки, Э.Тоффлер таъбири билан айтганда, «Футурошок»ни келтириб чиқармоқда. Аммо ўзгаришлар доираси қанчалик кенг бўлса, шахс ўзгараётган муҳитда мўлжал олиши учун шунча кўп ахборот керак бўлади. Айни вақтда, шахснинг ахборотни идрок этиш чегаралари мавжуд бўлиб, уларнинг бузилиши руҳий касалликларнинг турли-туман шакллари келтириб чиқаради. «Шу боис санъат, фан, интеллектуал, маънавий ва сиёсий ҳаётда катта ютуқларга эришганига қарамай, АҚШ ўн минглаб ёшлар гиёҳвандлик вабосига мубтало бўлган мамлакат, миллионлаб ота-оналар руҳий касалликлар билан оғрийдиган миллат, миллионлаб қариялар умрининг охирини ёлғизликда ўтказувчи, оилавий мажбуриятлар билан мансаб мажбуриятлари ўртасидаги кураш оммавий тус олган миллатдир.

¹ Фромм Э. Иметь или быть? -М.: Республика, 1990. - С. 120

Бундай миллат, ихтиёрий ёки ноихтиёрий тарзда, келажак шокига учрайди»¹, деб қайд этади Э.Тоффлер. Ўзгаришларнинг бундай таъсири, келажак билан тўқнашувдан шок, унинг фикрича, номақбул ахборотнинг яширилиши, тор ихтисослашиш ёки кам самара берувчи эски усулларга қайтишдан келиб чиқади.

Компьютер билан ишлашни ўрганишдан кўрқиш «футурошок» кўринишларидан биридир. Бундай «шок»ка мубтало бўлган одамлар айрим ҳолларда ўзларини оқлаш учун компьютерни ўрганиш жуда қийинлигини қайд этадилар. Ваҳоланки, бунинг учун оммавий дарсликлар, ўқув курслари ва махсус дастурлар мавжуд бўлиб, улар компьютерда ишлашни тез – айниқса, фойдаланувчи даражасида – ўзлаштириш имконини беради. Бошқа ҳолларда компьютер соғлиқ учун зарарли экани важ қилиб кўрсатилади. Ваҳоланки, компьютердан тўғри фойдаланилган тақдирда, у соғлиққа ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди. Бошқа важлар ҳам кўрсатилади – компьютерларнинг қимматлиги, уларни таъмирлаш қийинлиги ва ҳ.к. Айрим далилларда жон йўқ эмас. Аммо бундай далиллар ҳар бир янги ахборот техникасидан фойдаланишда, масалан, ёзув машиналари кенг муомалага киритилган пайтда ҳам келтирилган. Ҳар сафар янги ахборот техникаси амалда қўлланиш учун ўзига йўл очган. Биз ҳозир компьютер асрида яшамоқдамиз, бу объектив борлиқ, бинобарин, компьютерларнинг амалда қўлланишига қаршилик кўрсатиш бефойда. Компьютер саводхонлиги – замонавий маданий одамнинг зарур фазилати. Шу боис компьютерда ишлаш технологиясини ўзлаштириш, уни амалда қўллаш имкониятлари ва чегараларини билиш зарур.

Компьютер мураккаб техник қурилма бўлиб, у тафаккурнинг ижро этиш функцияларини мазкур қурилмага ўтказиш орқали инсоннинг ақлий фаолиятини билвосита амалга оширади. Ақлий фаолиятнинг асосан шаблон хусусиятига эга бўлган элементар турларида компьютер инсон ўрнини эгаллаши, ушбу фаолият турларини бажаришдан уни сиқиб чиқариши мумкин. Бунда ижод жараёнининг айрим таркибий қисмларини бажариш вазифаси компьютерга юклатилиши мумкин. Ақлий фаолиятнинг нисбатан мураккаб, жадал ўзгарувчи, янги муаммоли вазиятларнинг юзага

¹ Тоффлер Э. Футурошок. - М.: ООО.АСТ, 2000. - С. 297

келиши билан тавсифланувчи турларида компьютерга интеллектуал функциялар қисман берилади, масалаларни ечиш функциялари инсон билан компьютер ўртасида эргономик принципга кўра тақсимланади. Инсон интеллектуал функцияларни компьютерга бериш, унинг учун махсус дастур тузиш орқали, компьютерни техник восита сифатида ишга тайёрлаш босқичида етакчи рол ўйнайди. Кейинги босқичда – компьютерлаштирилган фаолиятни амалга ошириш босқичида инсон компьютерга нисбатан ҳақиқий ёки етакчи рол ўйнаши ёхуд компьютерда узоқ вақт ишлаш жараёнида бу ролларни тез-тез ўзгартириши мумкин.

Компьютер системалари такомиллашишига қараб, унинг функционал имкониятлари кенгайиб боради. Эксперт системалари, сунъий интеллект системаларидан ташқари, ҳозир шундай компьютер системаларини яратиш устида иш олиб борилмоқдаки, улар кутубхоналарда, корпорациялар, касалхоналар, омборларнинг картотекаларида, ҳукумат, таълим ва фан муассасаларида сақланаётган ахборот билан одамларни таъминлашга, инсон учун кам аҳамиятли қарорлар қабул қилишга, у танлаган вариант ва кадриятлар тизими баҳолашга, ўз дастурини такомиллаштиришга хизмат қилади. Аммо ахборот технологиясининг жадал ривожланиши инсоннинг, унинг маданий-маърифий салоҳиятининг лозим даражада ривожланишини ҳам тақозо этади.

Инсон шахсини биологик-ижтимоий структура сифатида сақлаб қолиш ва ривожлантириш муаммоси ахборотлашган жамият шаклланишининг муҳим муаммоси ҳисобланади. Бу муаммо баъзан ҳозирги замон антропологик инқирози деб белгиланади. Инсон ўз оламини мураккаблаштириб, кўпинча шундай кучларни вужудга келтирмоқдаки, уларни кейин ўзи назорат қилолмай қолаяпти, улар инсоннинг табиатига ёт тус олмоқда. Инсон дунёни қанча кўп ўзгартирса, шунча кўп кутилмаган ижтимоий омиллар вужудга келмоқда, улар инсон ҳаётини тубдан ўзгартирувчи ва кўпинча уни ёмонлаштирувчи тузилмаларни шакллантирмоқда. XX асрнинг олтинчи йилларидаёқ Г.Маркузе ҳозирги техноген ривожланишнинг жиддий оқибатларидан бири сифатида оммавий маданият маҳсули – «бир ўлчовли одам»нинг пайдо бўлишини қайд

этган эди¹. Дарҳақиқат, ҳозирги маданият инсон онгини манипуляция қилиш учун кенг имкониятлар яратади. Бунинг натижасида инсон борлиқни оқилона тушуниш қобилиятини йўқотади. Боз устига, манипуляция қилинувчилар ҳам, манипуляция қилувчилар ҳам оммавий маданият қулларига айланади.

Техноген цивилизациянинг жадал ривожланиши шахснинг шаклланиши ва ижтимоийлашиши муаммосини янада мураккаблаштиради. Дунёнинг тинимсиз ўзгариши жуда кўп анъаналар, илдизларни кўпориб ташлайди, инсонни бир вақтнинг ўзида ҳар хил анъаналар, ҳар хил маданиятларда яшашга, тинимсиз ўзгараётган ҳар хил ҳолатларга мослашишга мажбур қилади. Инсоннинг алоқалари спорадик тус олади, улар, бир томондан, барча одамларни ягона инсониятга бирлаштиради, иккинчи томондан, одамларни ажратади, атомларга парчалайди.

Одамлар замонавий ахборот техникаси билан иш юзасидан алоқа қилиши натижасида юзага келган муҳим муаммолардан бири бу техниканинг одамлар соғлиғига салбий таъсирининг олдини олиш ва уни бартараф этишдир. Т.Уильямс маълумотларига қараганда, ахборот технологиясини амалга жорий этиш ҳар хил касалликларни келтириб чиқаради². Ахборот техникаси билан ишлайдиган ходимларнинг 20-30% сурункали зўриқиш натижасида касалланади. Инсон янги шароитга мослашиши жараёнида ахборот технологияси унинг организмида функционал ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Инсон қўллари билан тинимсиз ҳаракат қилиши натижасида унинг қўллари, елкалари ва бўйнининг мушаклари ва пайлари касалланади. Бир неча омиллар касалланиш хавфини оширади. Биокимёвий омиллар гавдани нотўғри тутиш, узлуксиз такрорланувчи ҳаракатлар миқдори ва тезлиги билан боғлиқ. Ташкилий омиллар ахборот техникасини етарли даражада ўрганмаганлик, зўриқиш, иш суръати ва ҳ.к. билан белгиланади. Бошқарув омиллари касалликнинг табиатини бошқарувчилар яхши тушунмаслиги, машина билан тил топа олмаслик ва ш.к. билан боғлиқ. К.Ясперс ўз вақтида қайд этганидек, муттасил шошилиш ва зўриқиш натижасида меҳнат кучни

¹ Маркузе Г. Техногенная цивилизация. – М.: Элигия, 1998. – С. 45

² Қаранг: Уильямс Т. Компьютеризация здоровья. – М.: АСТ, 1996. – С.85

беҳуда сарфлашга айланади ва толиқиш ҳолатида фақат инстинктлар ишлайди, кўнгилхушлик ва сенсацияга эҳтиёж кучаяди.

Компьютер ва одамлар саломатлиги муаммоси.

Одамлар соғлиғига компьютерларнинг салбий таъсири масаласи айниқса кескин бўлиб турибди. Компьютердан фойдаланувчилар соғлиғига энг аввало кўз чарчаши, психологик зўриқиш, иш жараёнида гавдани узоқ вақт бир ҳолатда тутиш, иш жараёнида компьютердан тарқаладиган электромагнит майдонлар, иссиқлик ва зарарли кимёвий моддалар, ишлаётган принтер шовқини ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади. Хусусан, монитор трубкасидан ўзига хос нурланиш тарқалиши натижасида кўриш қобилятининг сусайиши кузатилади. Инсон мияси ресурслари секундига кўпи билан 16 бит ахборотга ишлов беришга мўлжалланган. Ваҳоланки, компьютерда ишлаётган одам иш куни мобайнида 15-20 минг марта ўз эътибори марказини ўзгартиришига тўғри келади. Монитор сиртида электростатик заряднинг тўпланиши, ўзгарувчан электромагнит майдонлар, ультрабинафша ва рентген нурлари, экраннинг липиллаши – буларнинг барчаси, пировард натижада, компьютер касаллигини вужудга келтиради ва ривожлантиради. Бу касалликка чалинган одамлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Чунончи, АҚШда сўнгги 40 йил ичида компьютер билан ишлаш натижасида «ялпи стресс» 45% га ўсди. Ҳозир «дисплей оператори стресси синдроми» деб номланган бу касаллик фойдаланувчиларнинг ярмидан кўпроғида учрайди.

Замонавий техника инсон устига ёғдираётган ахборот оқими инсон табиатан тайёр бўлмаган жуда катта кучни кўзғатмоқда. Бу одамларда агрессивликнинг кучайишига, одамлар психикасининг бузилишига олиб келмоқда. Замонавий ахборот техникаси болалар психикасига айниқса салбий таъсир кўрсатади. Оқилона, мантиқий нарсалар ва ҳодисалар оламига боланинг эрта кириши уни эмоциялардан, бошқаларга нисбатан ҳамдардлик ҳиссидан маҳрум этиши мумкин. Катталар билан нормал алоқа қилмаслик натижасида болаларда ақлий қолоқлик аломатлари тобора кўп кузатилмоқда.

Ахборот инсон психикасига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Шу боис бу таъсир тўғри, пухта ўйланган бўлиши, инсон соғлиғига зарар

етказмаслиги керак. Ахборотлашган жамият янги маданиятни шакллантиришни тақозо этади. Фақат компьютер саводхонлиги эмас, балки инсон манфаатларини компьютернинг техник имкониятлари билан уйғунлаштириш, илмий ишлаб чиқилган компьютерда ишлаш гигиенаси ва компьютер одоби ҳам бу маданиятнинг таркибий қисмлари бўлиши керак.

Компьютерда ишлаш қулай бўлиши лозим. Бу бир қанча омиллар билан таъминланади. Ижтимоий омиллар ташкилотдаги умумий психологик муҳит, ҳисоблаш системаси ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш шакли, иш жараёнида фойдаланувчилар ва ишчи гуруҳлар ўртасидаги алоқа билан белгиланади. Компьютер ва қўшимча мосламаларнинг конструктив ўзига хосликлари, алоқанинг сифати, системаларнинг қулайлиги, ишончлилиги ва таъсирчанлиги жисмоний қулайлик ҳиссини уйғотади ва жисмоний эргономикани белгилайди. Яна бир муҳим омил – психологик эргономика масаласига келсак, у инсоннинг физиологик ва психологик жараёнларига система функцияларининг мувофиқлиги билан белгиланади.

Компьютерда ишлашда махсус йўриқномаларда белгиланган қоидаларга риоя қилиш лозим. Масалан, фойдаланувчининг кўзларидан монитор экранигача бўлган масофа 40-80 см атрофида бўлиши, монитор экрани липилламайдиган қилиб ўрнатилган бўлиши керак. Саккиз соатли иш кунда видеотерминал билан узлуксиз ишлаш вақти тўрт соатдан ошмаслиги, ҳар иш соатидан кейин 15-20 минут танаффус қилиш лозим. Бу танаффуслар вақтида кўзлар учун мўлжалланган махсус машқ комплексларини бажариш зарур.

Компьютерда ишлашда қулайлик «инсон – компьютер» системасини лойиҳалаш ва тузиш чоғида муайян группавий эргономик кўрсаткичларга риоя этиш орқали таъминланади.

Бундай кўрсаткичлардан бири антропологик кўрсаткич бўлиб, у ишловчи одам танасининг катталиги ва шаклига, тана қисмларининг ҳаракатчанлигига ва бошқа кўрсаткичларга компьютер ҳамда машина интерфейсининг мувофиқлигини тартибга солади. Антропологик кўрсаткичлар гавданинг оқилона ва қулай ҳолатини, гавдани тўғри тутишни, клавишаларнинг оқилона ўрнини, қўл ва оёқларнинг максимал ва мақбул иш зоналарини ва ҳ.к.ни таъминлайди.

Иккинчи кўрсаткич инсон компьютер билан алоқа қилганида унинг ҳаёти, фаолияти ва иш қобилиятининг гигиеник шарт-шароитларини тавсифлайди. У иш жойида микромуҳитнинг нормал метеорологик шарт-шароитларини яратишни ва ташқи муҳит зарарли омилларининг таъсирини чеклашни назарда тутди. Хонани ёритиш, ҳаво алмаштириш, температура, намлик, босим, чангланганлик, радиация, шовқин, вибрация, гравитацион юкланиш ва тезланиш, электромагнит нурланишлар кучининг алоҳида кўрсаткичлари группавий кўрсаткични ташкил этади. Қулай муҳит оператор иш қобилиятининг оқилона динамикасини, у ўзини яхши ҳис қилишини ҳамда унинг соғлиғи сақланишини таъминлайди. Ноқулай муҳит операторнинг иш қобилиятини пасайтиради, меъёрдан чиқадиган, лекин патологик ўзгаришларга олиб келмайдиган функционал ўзгаришларга сабаб бўлади.

Учинчи ва тўртинчи кўрсаткичлар – физиологик ва психофизиологик кўрсаткичлар инсоннинг куч, тезлик, қувват, кўриш, эшитиш, сезиш, ҳид билиш қобилияти ва имкониятларига «инсон – компьютер» системасининг мувофиқлигини белгиловчи эргономик талабларни тавсифлайди. Лойиҳалаш жараёнида муайян «инсон – компьютер» системаси операторларининг ёши, жинсини, руҳий ва бошқа хусусиятларини аниқ билиш ва улардан келиб чиқиш керак. Чунончи, ёш ўтиши билан одамнинг ёруғликни сезиш қобилияти сусайиб боради: 30 яшар одам ёруғликка 10 яшар болага қараганда икки баравар, 40 яшар одам – уч баравар, 50 яшар одам эса – олти баравар кўпроқ эҳтиёж сезади.

Бешинчи группавий кўрсаткич – психологик кўрсаткич одамнинг идрок этиш, эслаб қолиш, фикрлаш, психомоторика имкониятлари ва хусусиятларига, унинг мустаҳкамланган ва янги шаклланаётган кўникмаларига, группавий алоқалар даражаси ва хусусиятига, «инсон – компьютер» системасини биргаликда бошқариш фаолиятининг мазмунига машинанинг мувофиқлигини акс эттиради. Бу хусусиятларнинг ҳар бири алоҳида кўрсаткичлар сифатида амал қилади. «Инсон – компьютер» системасида ишловчиларнинг хулқ-атворини ташкил этиш юзасидан эргономик тавсиялар мавжуд. Психологик группавий кўрсаткич муҳандислик психологияси, меҳнат

психологияси, ижтимоий психология ва меҳнат социологияси маълумотларини бирлаштиради.

Ҳозир кўз ўнгимизда инсон имкониятларини информатиканинг техник имкониятлари билан бирлаштирувчи янги маданият шаклланмоқда. «Ўз атрофида янги маданият шаклланаётганини одамлар тобора чуқурроқ ҳис қилмоқдалар, - деб ёзади А. Тоффлер. – Гап фақат компьютерларда эмас. Айти ҳолда видеомаданият тўғрисида ҳам сўз юритилмоқда. Меҳнат, жинс, миллат, дам олиш, обрўли шахс ва ҳоказоларга нисбатан янгича муносабат шаклланмоқда»¹. Сўнгги йилларда компьютер ўйинлари соҳасининг жадал ривожланиши кузатилмоқда. Охирги ўн йиллик ичида интерфаол воситаларнинг тўрт авлоди яратилди. Интерфаол воситаларнинг дастлабки уч авлоди видеоўйинларни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлса, тўртинчи авлодда мантиқий ўйинлар, мусиқий ва бадиий интерфаол дастурларнинг қўшилиши ҳисобига ўйинлар ассортименти кенгайиши билан бир қаторда, видео ўйинлар ва шахсий компьютерлар бирлаштирилди. Интерфаол воситаларнинг ҳозир ишлаб чиқиляётган бешинчи авлоди ўйинчига муқобил ечимлар орасидан маъқулини танлаш имконини беради.

Маданият – бир қанча ижтимоий ҳодисалар мажмуини ўз ичига олувчи мураккаб ҳодиса. Табиийки, бу ҳодисаларга муайян маданий муҳит таъсир кўрсатади. Шаклланаётган ахборот жамиятининг маданияти фаннинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини биз юқорида қайд этиб ўтдик. Айти вақтда, бу маданиятга фаннинг таъсири ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, қоғозсиз информатиканинг вужудга келиши янги маданият учун катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳозирда янги компьютер авлоди вояга етмоқда. Компьютерда ишлай оладиган ёшлар компьютер ахборотни қабул қилиш учун қулай график ёки овозли шаклда тақдим этиши, ахборотни ўқиш, танлаш ва тартиблаш тезлиги ҳисобига кунига ҳар бири 300 саҳифали саккизта китоб ўқиш имкониятига эга. Қоғозсиз технология биринчи навбатда ахборотни тез олиш ва унга ишлов бериш учун қўлланилмоқда. Кўпчилик кундалик газеталар ўрнини уззукун кўрсатиладиган телевизион янгиликлар эгаллашини башорат қилмоқда. Электрон нашриётларга талаб кучаймоқда. Лазер

¹ Тоффлер Э. Новая технологическая волна на Западе. - М.: Прогресс, 1986. - С. 286

дискларига кўчирилган архив материаллари, нодир китоблар йўлдош алоқа каналлари, Интернет, телефакслар орқали омманинг мулкига айланмоқда. Маданий ҳодиса бўлган фан одамлар фаолиятининг ўзига хос шакли ҳамда ижтимоий амалиёт жараёнида қўлланилувчи билимлар тизими сифатида унга жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Аммо бу таъсир доим ҳам ижобий бўлаётгани йўқ. Масалан, ҳозирги фанда билишнинг ноқилона усуллари ва воситалари анъанавий илмий методларни сиқиб чиқариши, илмий тафаккурга ишончнинг йўқолиши билан боғлиқ инқирозли ҳодисалар маданиятга салбий таъсир кўрсатмоқда. Фанга қарши ҳаракатларнинг вужудга келиши, олимларга салбий муносабатнинг кучайиши, фанда корчалонларнинг ҳамда илмдан узоқ одамларнинг кўпайиши, ҳар хил «янги» назарий қарашлар ва оқимлар, чунончи, постмодернизмнинг пайдо бўлиши бежиз эмас.

Одатда постмодернизм деганда «янги давр» маданияти ўрнига келган ғарб цивилизацияси даври тушунилади. Маълумки, «янги давр» маданиятига оқилона фикрлаш ҳамда Аристотель, рим мантиғи, ўрта асрлар схоластикаси ва қадриятлари билан боғлиқ анъаналарга риоя этиш хосдир. XIX-XX асрлар чегарасида табиий-илмий қарашларнинг ўзгариши билан бу анъаналар бузила бошланди, позитивистик илмий билимнинг обрўсига ва оқилона фикрлашга асосланган ғарб маданиятининг негизига жиддий путур етказилди. Постмодернистик танқид дунё, инсон ва унинг маданиятини оқилона тушунишни ўзгартиришга, уларни илмий таҳлил қилишни ноқилона плюралистик қарашлар билан ўзгартиришга ҳаракат қилмоқда, маданий парадигмани ўзгартириш зарурлигини асосламоқда.

Постмодернизм нуқтаи назаридан, янги маданият асосан техникага йўналтирилган маданиятдир. У инсоннинг дунёни, ўзини ва одамлар ўртасидаги муносабатларни тушуниш соҳасига техник дунё моделларини кўчиришни назарда тутди. Постмодернизм техноморф маданиятни инсонга йўналтирилган антропоморф маданият билан алмаштириш зарур деган ғояни илгари суради. Бир қарашда, бунинг ёмон жойи йўқдек, маданиятнинг ривожланиши инсонпарварлик тамойиллари ва идеалларига йўналтирилгандек бўлиб туюлади. Аммо постмодернистларнинг кейинги фикр-мулоҳазалари, чунончи, модерннинг дунёни илмий билишга йўналтирилганлигини билимнинг

жуда кўп ҳар хил шакллари билан алмаштириш зарурлиги ҳақида келтираётган далилларига қўшилиб бўлмайди. Бу далилларга асосланиб, постмодернистлар нооқилона, диний фикрлаш, унинг ҳар хил мистик ва рамзий шакллари яшаш ҳуқуқига эга эканлигини исботлашга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай уринишлар, шубҳасиз, маданиятга салбий таъсир кўрсатмоқда, унинг инсонпарварлик салоҳиятини пасайтирмоқда.

Табиийки, ҳозирги маданият колорити кўп жиҳатдан фан ва техника билан белгиланади. Аммо фан ва техника ютуқлари дунёни гўзаллик қонунларига кўра идрок этиш, уни санъат воситалари билан акс эттиришни бекор қилмайди. Энг аввало, фан ва техника дунёни эстетик ўзлаштиришдан айри ҳолда ривожлана олмайди. Бадиий тасаввурсиз фан оддий индукцияга, фактларни механик тўплашга ёки ўйламасдан тажриба ўтказишга айланиб қолади. Техника, сунъий техник муҳитни яратар экан, техник ашёлар гўзаллигини таъминловчи қонунлар билан ҳисоблашмасдан ривожлана ва фаолият кўрсата олмайди. Фан ва техника санъат билан чамбарчас боғлиқ. Фан ва техника тараққиёти ривожлангани сари санъат образларига эҳтиёж кучайиб бораётир. Санъатга, дунёни гўзаллик қонунларига кўра идрок этишга бўлган эҳтиёжни фақат ахборот технологияси имкониятлари билан қондириш мумкин. Бугунги кунда кўпгина санъаткорлар ўз бадиий ғояларини рўёбга чиқариш учун олимлар ва муҳандислар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганликлари бежиз эмас.

Ахборот технологияси турли-туман маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилиши билан бир вақтда, нафақат моддий маданият, балки маънавий маданият – санъат, таълим, оммавий маданиятнинг ностандартлашуви ҳам содир бўлмоқда. Ҳар хил дидли одамларга мўлжалланган турли-туман китоблар, журналлар, газеталар миқдори кўпайиб бормоқда. Тасвирий санъатда ҳар хил йўналишлар – экспрессионизм, сюрреализм ва бошқалар мавжуд. Компьютерлар ҳар бир одамга борлиқни тушунишнинг ўз йўлини танлаш имконини беради. Умуман олганда, маданият тобора ранг-баранглашиб бормоқда. А.Тоффлер бу ҳақда шундай дейди: «Келажак стандартлашиш – товарларнинг бир хиллиги, гомоген санъат, оммавий таълим ва «оммавий» маданиятдан халос бўлиб боради. Биз жамиятнинг технологик ривожланишида диалектик асосланган

ҳолатга етдик. Шахснинг ўзига ҳослигини бўғишдан узоқ технология бизнинг танлаш имкониятимиз ва эркинлигимизни анча оширади»¹.

Ахборотлашган жамият субъектлар ижодини ривожлантиришга йўналтирилганлиги боис, унинг шаклланиш жараёнида юксак маданиятнинг тикланиши содир бўлади. Кишилиқ жамияти маданият ҳар доимгидан катта аҳамиятга эга бўлган даврга қадам қўймоқда. Юксак маданиятнинг тикланиши жамиятнинг инсонпарварлашуви жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади, унинг глобаллашувига имконият яратади, ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради, информатика имкониятларидан фойдаланади ва сармояни қўллашнинг фойдали соҳасига айланади.

Ахборот техникаси ва санъат.

Замонавий ахборот технологияси санъатга икки йўналишда таъсир кўрсатмоқда. Бир томондан, бу технологиядан ўз ижодий фаолиятида рассомлар ва ҳайкалтарошлар, артистлар ва композиторлар фойдаланмоқдалар. Бошқа томондан, замонавий ахборот воситалари юксак маданиятни оммага тарқатишга ёрдам бермоқда.

Ҳисоблаш техникасидан санъатда фойдаланишга бўлган уринишларнинг аксарияти тасвирий санъат билан боғлиқ. Бу соҳада компьютерлардан фойдаланишга нисбатан икки хил ёндашув мавжуд. Биринчи ҳолда компьютер оддий асбоб бўлиб хизмат қилади, иккинчи ҳолда эса, рассом машинага муайян дастурни юклайди ва компьютер ўзи – баъзан муваффақиятли, баъзан муваффақиятсиз - «ижод» қилади. Компьютер график дастурлари жуда катта эмоционал таъсир кучига эга янги намуналар яратади. Кино санъатида ҳар хил фильмларни монтаж қилишда компьютер техникасидан кенг фойдаланилмоқда. Компьютер графикаси негизида реклама ва томошабоп телевизион фильмлар яратилмоқда.

Музыка синтезаторлари оркестр асбобларининг овозини ифодалаб, овоз гаммасини бойитмоқда. Айрим ҳолларда компьютерлардан музыка басталаш учун ҳам фойдаланилмоқда. Компьютерга уланган динамик дастурчи томонидан юкланган «партитура»га мувофиқ ранг-баранг уйғунликдаги оҳанглари

¹ Тоффлер Э. Футурошок. - М.: ООО.АСТ, 2000. - С. 225

чиқариши мумкин. Виртуал муҳитни яратишда электроакустик ва компьютер мусикасидан фойдаланилмоқда. Компьютер ёрдамида ҳатто шеърлар ҳам ёзилмоқда.

Бадиий ижодда компьютерлардан фойдаланилишига яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо бадиий ижод соҳасида компьютерларнинг имкониятларини ошириб кўрсатиш ҳам ярамайди, чунки уларнинг ишлаши фойдаланувчи уларга жойлаштирган дастурга боғлиқ. Компьютер бундай юксак даражада интеллектуал фаолиятда инсонга фақат ёрдамчи бўлиши мумкин.

Одамларни санъат асарлари билан таништириш жараёнида ахборот техникаси жуда катта рол ўйнайди. Ахборот техникаси юксак маданиятни оммага янада кенгроқ тарқатишга хизмат қилади. Жаҳон тасвирий санъати дурдонларидан бахраманд бўлиш учун энди Париж Луврига ёки Дрезден санъат музейига сафар қилишнинг ҳожати йўқ. Уйда, телевизор қаршисида ўтириб, Рубенс ва Крамской асарлари билан танишиш, Москвадаги Большой театр операларини томоша қилиш мумкин. Янги оммавий маданият вужудга келмоқда. Айни вақтда, индивидуал ахборот тизими маданиятнинг индивидуаллашуви негизига айланмоқда. Маданиятнинг оммавийлашуви ва индивидуаллашуви ҳозирги маданиятнинг ривожланишидаги асосий тенденциялардир.

Инсоният ёзув маданиятидан янги – экран маданиятига ўтмоқда. Экран маданияти компьютерни видеотехника билан бирлаштиришга асосланади. Янги тафаккур – экран тафаккури юзага келмоқдаки, унга мантикий ва рамзий нарсаларни «чатиштириш» хосдир. «Экран саҳифаси» янги маданиятнинг негизига айланмоқда. У одамлар ўзаро алоқа қилиши учун жуда катта имкониятлар яратади. Айни вақтда, ахборот технологияси маданий монополизм имкониятлари доирасини торайтирмоқда, бир марказдан туриб бошқариш мумкин бўлмаган кўплаб нисбатан мустақил маданиятларни вужудга келтирмоқда. Децентрализация қилувчи техник воситалар (китоб, кассетадаги ёзув, компьютер) билан бир вақтда, марказлаштирувчи воситалар (газета, радио, телевидение) ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу маданиятга ахборот воситаларининг таъсири зиддиятли хусусиятга эга эканлигидан далолат беради ва ахлоқий мазмундаги бир қанча масалаларни жуда пухта ҳал қилишни тақозо этади.

«Компьютер одоби» – одамлар компьютерда ишлаши жараёнида улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ахлоқий принциплар ва нормалар мажмуи янги компьютер маданиятининг таркибий қисмларидан биридир. Инсон компьютерларни дастурлаштиради, компьютерлар эса, кўп жиҳатдан унинг тафаккурини «дастурлаштиради». Ахборот технологияси таъсирида ахлоқ нормалари ўзгарганини ҳозирда жуда кўп тадқиқотчилар эътироф этмоқдалар. Бундан ташқари, компьютерда ишлашда амал қилиш лозим бўлган муайян хулқ-атвор қоидаларини таърифлашга уринишлар ҳам кузатилмоқда.

Компьютер одоби.

Немис файласуфи Х.Ленк компьютер одоби муаммоси тўғрисида фикр юритар экан, келажакда ахборотлашган жамиятда ахборот тизимлари муҳим ижтимоий ва ҳатто шахсий муаммолар бўйича қарорлар қабул қилишини қайд этади. Бу ҳолда қарорлар «жавобгар шахсиз», яъни одам ёки одамлар гуруҳи иштирокисиз қабул қилинади. Хўш, бу ҳолда ким жавобгар бўлади? Ахборот тизимлари маънавий жавобгар бўлиши мумкинми? Бу саволга Х.Ленк шундай жавоб беради: компьютерлар маънавий, ижтимоий мавжудот эмас, улар бирон-бир онгли жараённи амалга оширмайди. Шу боис ахборот тизимлари маънавий жавобгарликни ўз зиммасига олиши мумкин эмас. Қабул қилинган қарорлар учун маънавий жавобгарликни компьютерлар зиммасига юклашга уриниш муайян одамлар ёки одамлар гуруҳининг жавобгарликдан бўйин товлашга уринишидан бошқа нарса эмас. Ваҳоланки, одамлар маънавий жавобгарликдан қочиши мумкин эмас, бундай жавобгарликни машинага «юклаб» бўлмайди¹.

Японлар баъзан ўзларини «компьютер миллати» деб атайдилар. Аммо японларнинг интизомлилиги, аниқлигида намоён бўлувчи бундай «компьютерлик» муайян маънавият, ахлоқийлик билан уйғунлашадики, бунга асосланиб улар ўзларини кўпинча компьютер аниқлигини ўзига нисбатан ўта талабчанлик, шу жумладан маънавий талабчанлик билан бирлаштирувчи «фикрловчи миллат» деб аташни маъқул кўрадилар. Буни «Инсоният инқилоби» романи муаллифи

¹ Ленк Х. Размышления о современной технике. - М., 1996, - С. 141

Дайсаку Икэда жуда яхши кўрсатиб берган. Фанга зид мистик қарашларга қайтиш содир бўлаётган, режалилик, оқилоналикка қарши чорловлар кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда инсоният миқёсида бундай маънавий инқилоб айниқса зарурдир. Жаҳонда ҳукм сураётган уруш хавфига компьютер технологияси ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. АҚШ Марказий разведка бошқармасининг маълумотларига қараганда, ўнлаб мамлакатлар кибермайдонда уруш олиб боришга тайёргарлик кўрмоқда. Ўта ҳалокатли кучга эга бўлган компьютер вируслари яратилмоқда ва зарур пайтда қўллаш ниятида сақланмоқда. Замонавий технологиялар аста-секин одамларни армиядан сиқиб чиқармоқда. Қўшинларнинг қисқариши ҳарбий кашфиётчиларни янги курул турлари: учувчисиз самолётлар, робот-аскарлар, космосда ишлайдиган разведкачи-йўлдошлар, ҳаракатланувчи ва ҳаракатсиз нишонларни топиш ва таниб олиш системаларини яратишга туртки бермоқда. Бугунги кунда ахборот техникаси барча энг янги ҳарбий техника воситаларининг ўзагини ташкил этади.

Буларнинг барчаси ахборот техникаси яратиш ва ундан фойдаланишнинг ахлоқий муаммоларини кескинлаштирмоқда, мазкур маънавий инқироздан чиқиш йўллари топишни тақозо этмоқда. Янги маданият янги, компьютер одоби билан бирга катта машаққатлар билан шаклланмоқда.

Афсуски, компьютерчиларга таълим бериш жараёнида «одоб, ахлоқ» сўзларини жуда кам эшитиш мумкин. Асосий эътибор математик таълим беришга, компьютер воситасида муайян масалаларни ҳал қилишга қаратилади. Бунда инсоннинг компьютер билан ўзаро алоқалари муайян маданий муҳитда содир бўлишига эътибор берилмайди. Маънавий мўлжаллардан маҳрум бўлган одам ўзини ҳам ақлли машина деб идрок эта бошлайди, компьютер билан техник муомалани одамлар ўртасидаги муносабатлар соҳасига кўчирадики, бу ўта салбий оқибатларга – бутун ахборот жамиятининг ноинсонпарварлашувига олиб келади. Бунга ҳозир бутун дунёни қаттиқ ташвишга солаётган хакерлар муаммоси мисол бўла олади. Дарҳақиқат, хакерлар маънавият тўғрисида ўз тасаввурига эга. Хўш, хакерлар ким ўзи?

Компьютер жиноятчилиги.

«Хакер» сўзи инглизча «to hack» – бузмоқ феълидан келиб чиққан. Бу сўз дастлаб спортда нўноқ, ўзининг кўпол ҳаракатлари билан бошқаларга шикаст етказувчи одамни ифодалаган. Матбуотда бу атамадан телефон рақамларини тартибсиз териб, бировларнинг сўзлашувига қулоқ солишга уринувчи одамни ифодалаш учун фойдаланилган. Кейинчалик компьютер тармоқлари ёрдамида обрўли муассасаларнинг маълумотлар базаларига кирувчи ва улардаги маълумотларни ўғирловчи «қизиқувчан» безорилар хакерлар деб атала бошланди. Ҳозирда хакерлар ўз ахлоқи, рейтинглари ва таснифига эга бўлган катта бир хуфия табақани ташкил этади. Компьютер «қароқчилари» - хакерларнинг тўрт асосий тоифаси фарқланади. Маълумотлар базаларига қизиқишдан бузиб кирувчи хакерлар «романтиклар» деб аталади. «Прагматиклар» ёки «классиклар» ўйинлар, дастурлар, маълумотлар базалари, электрон нашрларни ўғирлаш билан шуғулланади. Масалан, «Микрософт» фирмаси ишлаб чиқишга 300 млн. доллар сарфлаган «Виндоус-95» системаси москвалик хакерлар томонидан ўғирланди ва пировард натижада уни хуфёна ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Разведкачи» хакерлар махфий маълумотларни олиш учун рақибларининг компьютер тармоқларига ва маълумотлар базаларига бузиб киради. Ниҳоят, «кибергангстерлар» муайян жиноий гуруҳ ёки уюшма таркибида ҳаракат қилади ва турли фирмаларнинг тармоқларига бузиб киради, шунингдек банк ҳисоб варақларидан пулларни ўғирлаш билан шуғулланади.

Хакерлар пайдо бўлиши сабаблари фақат жиноий ниятлар билангина изоҳланмайди – дастлабки хакерларда бундай ниятлар бўлмаган. Гап ахборотлаштирилган жамиятдаги меҳнатнинг хусусиятида. Меҳнатнинг ахборотлаштирилиши ва автоматлаштирилиши «тор соҳа мутахассиси»ни тақозо этиб, унга салбий таъсир кўрсатиши, инсонни компьютерга боғлаб қўйиши мумкин. Боз устига, бошқа соҳа мутахассислари информатика мутахассисларига боғлиқ бўлиб қолиши, информатика мутахассислари эса бундан фойдаланиб муайян гуруҳ ёки

уюшмаларга бирлашиши ва бошқа одамларни ўз манфаатлари йўлида манипуляция қилиши мумкин.

Жамиятнинг компьютерлашуви ахборотдан ғайри қонуний фойдаланиш, компьютер жиноятчилиги – компьютер хотирасини бузиш, компьютер ёрдамида ўғрилик қилишнинг пайдо бўлишига, таълим соҳаси ва оммавий ахборот воситаларининг монополиялашуви хавфи туғилишига, жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш, компьютер қароқчилигига олиб келди.

Компьютер қароқчилиги муаммоси жаҳон миқёсида нашр этиладиган турли компьютер журналларининг севимли мавзуси бўлиб, маънавият масалалари ҳамда аҳолининг тўлов қобилияти билан боғлиқ. Одамларнинг умумий маданиятини ўзгартирмасдан, аҳолининг тўлов қобилиятини оширмасдан ва фирма дастурларининг ҳаддан ташқари баланд нархларини арзонлаштирмасдан компьютер қароқчилигини тугатиш мумкин эмас.

Компьютер жиноятлари сони жадал ўсиб бормоқда, уларни содир этиш усуллари кўпаймоқда. «Компьютер жиноятчилиги» тушунчаси илк компьютерлар пайдо бўлиши билан бир вақтда вужудга келди ва компьютер тармоқларининг ривожланиши билан долзарб аҳамият касб этди.

Компьютер жиноятчилари айрим ҳолларда компьютерлар ишига аралашсалар, айрим ҳолларда компьютерлардан зарур техника воситаси сифатида фойдаланадилар. Компьютер жиноятларининг асосий турларига қуйидагилар киради: ахборот тармоғидан рухсатсиз фойдаланиш; ахборотлар тармоғидан қонунга хилоф равишда ахборотлар олиш; ахборотлаштириш тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган ҳолда ундаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, йўқотиш, олиб ташлаш ёки йўқ қилиб юбориш; компьютер тизимларида сақланаётган маълумотлар ёки дастурларни ўзгартириш мақсадида тегишли рухсатсиз компьютер вируслари ёки дастурларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш, шунингдек рухсати бўлмагани ҳолда ахборот тизимидан фойдаланиш орқали маълумотларнинг бузилиши, олиб ташланиши, йўқ қилиб юборилиши ёки бу тизимнинг ишдан чиқишига сабаб бўлиш; компьютер ахборотини қалбакилаштириш ва уни ўғирлаш.

Компьютер жиноятчилигидан ҳар хил мақсадлар кўзланади: банк ҳисоб варақлари ва тўлов ҳужжатларини қалбакилаштириш, ортиқча иш соатларини қўшиб ёзиш, пул жамғармаларини талон-торож қилиш, тўловларни иккинчи марта олиш, хизмат бўйича сохта тарзда кўтарилиш, қалбаки дипломлар олиш, қалбаки ҳисобварақларга пул ўтказиш, сохта ҳақ тўлаш орқали харидлар қилиш ва б. Масалан, АҚШ темир йўлларида бирида компьютер маълумотларини манипуляция қилиш ёрдамида 352 вагон юк номаълум йўналишда жўнатилган, улар изсиз йўқолган ва миллион доллардан кўпроқ миқдорда зарар етказган. Россиянинг Ростов шаҳрида хакерлар бир савдо фирмасининг пул ўтказиш дастурига тузатишлар киритиб, 150 миллион рублни ўмарган.

Хакерлар жиноятларига тамагирлик нияти, сиёсий интригалар, соф қизиқиш, безорилик, шўхлик, ниҳоят, ўч олиш нияти сабаб бўлиши мумкин. Масалан, америкалик дастурчи Т.Ллойд корпорациядан ишдан бўшатилишидан олдин ўз фирмасининг компьютер тармоғига секин ишлайдиган вирус «бомбаси»ни жойлаштирди. Т.Ллойд билан тузилган меҳнат шартномаси муддати тугаганидан кейин бир неча ҳафта ўтгач, бу «бомба» портлади ва фирманинг бутун ахборот тизимини йўқ қилиб ташлади. Бунинг натижасида фирма 10 миллион доллар миқдорида зарар кўрди.

Компьютер жиноятлари сиёсий сабабларга кўра ҳам содир этилади. Бунга экстремистик ва террористик ташкилотларнинг компьютер фаоллиги мисол бўлади. Мазкур ташкилотлар асосан компьютерлар фаолиятига ёки уларда сақланаётган маълумотларга путур етказиш билан шуғулланади. Компьютерлардан турли жиноий уюшмалар фаолиятида ҳам кенг фойдаланилади. Бундай уюшмалар компьютерларга пул ундириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таъқибидан қочиш воситаси деб қарайди.

Хакерлик жиноятларини одатда компьютер операторлари, дастурчилар, тизимчи-муҳандислар ва алоқачилар, клерклар, менежерлар, жиноятчилар содир этади. Масалан, бир неча йил муқаддам Петербургда В.Левин ўз компютери ёрдамида АҚШнинг энг йирик банкларидан бири – «Сити банк»дан Исроилдаги банкка бир неча уринишда уч миллион долларга яқин пулни ўтказишга муваффақ бўлди. Хакерлар талабалар, айниқса, олий техника ўқув

юртлари талабалари орасида ҳам учрайди. Дарвоқе, хакерлик илк бор университетларда ва техника коллежларида пайдо бўлган, сўнгра бутун жамиятда кенг тарқалган.

Принтерлар тармоғига ёки телефон тармоғига уланиш, клоп, ахборот тармоғига рухсатсиз кириш, ўзини биров қилиб кўрсатиш («маскарад»), маълумотларни алмаштириб қўйиш, дастурга муайян командалар тўпламини киритиш («мантикий бомба») компьютер жинойтчилиги усуллари.

Айни вақтда, анъанавий жинойтчиликка қарши кураш усуллари билан бир қаторда, компьютер жинойтчилигига қарши кураш усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Ахборот тизимлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қўлида жинойтчиликка қарши курашнинг самарали воситаларидан бирига айланмоқда. «Киберизкуварлар» яратилди, компьютер ўғирликларига қарши кураш бўлимлари ташкил этилмоқда.

Хуллас, инсоннинг ахборот технологияси билан муносабатлари нафақат мураккаблиги, балки зиддиятлилиги билан ҳам ажралиб туради. Ахборот техникаси фақат ижобий имкониятларга эга бўлиб қолмасдан, балки одамларга ва бутун жамиятга салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Инсон қўлида дунёни билишнинг қудратли курули, унинг ёрдамчиси, ижодий фаолият учун шарт-шароит яратиш воситаси бўлиб хизмат қилувчи ахборот технологияси айни вақтда дунёни билишнинг анъанавий вербал усулини аудиовизуал билиш усули билан алмаштирмоқда, одамларда сунъий оламга кириш иллюзиясини вужудга келтирмоқдаки, улар бу сунъий борлиқни амалда мавжуд борлиқ деб қабул қилмоқдалар. Бу борлиқ «виртуал борлиқ» деб номланади. Виртуал негизга эга бўлган бу борлиқ одатдаги физик борлиқ билан бир қаторда объектив тарзда мавжуддир.

Виртуал борлиқ.

«Виртуал борлиқ» атамаси 1970 йилларнинг охирида Массачусет технология институтида Жерон Ленъер томонидан ўйлаб топилган. У 1984 йилда дунёда биринчи виртуал борлиқ фирмасини ташкил этди. Бу атама компьютерда яратиладиган муҳитда инсоннинг мавжудлиги ғоясини ифода этади. Виртуал (лотинча Virtualis – мумкин бўлган) –

нарсалар ва ҳодисаларнинг замон ва маконда моддий мавжудлигига қарама-қарши ўлароқ, объектив нарсалар ёки субъектив образлар мавжудлигининг номоддий тури. «Виртуал борлиқ» атамаси муомалага америкалик кинематографчилар томонидан киритилган. Улар муайян сабабларга кўра табиий йўл билан амалга ошириб бўлмайдиган ҳаёлий имкониятларни белгили-график шаклда сунъий амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги кинолентани шу ном билан чиқарганлар.

Виртуал борлиқ - инсон реал борлиқда ҳаракат қилаётгани иллюзиясини компьютерда яратиш имконини берувчи интерфаол технология. Бунда объектив борлиқни табиий сезги органлари ёрдамида идрок этиш ўрнини махсус интерфейс, компьютер графикаси ва овоз воситасида сунъий яратилган компьютер ахбороти эгаллайди. Виртуал борлиқ амалда йўқ нарса, уни қўл билан тутиш, унинг таъми ва ҳидини ҳис қилиш мумкин эмас. Шунга қарамай, у мавжуд ва инсон бу ҳаёлий оламга кириб, уни нафақат кузатади ва бошдан кечиради, балки унга таъсир кўрсатиш имкониятига ҳам эга бўлади, ушбу оламда мустақил ҳаракат қилади, уни ўзгартира олади. Виртуал олам – инсон борлигининг ўзига хос шакли ва одамлар маънавий алоқасининг алоҳида маданий шаклидир.

Аммо виртуал борлиқ реал физик борлиқдек лаззат бахш эта олмайди, чунки бу борлиқ таъсирида вужудга келувчи ҳис-туйғулар кўп жиҳатдан унинг ўзи билан эмас, балки уни биз қандай идрок этишимиз билан белгиланади. Биз виртуал денгизда чўмилишимиз мумкин, аммо бунда пайдо бўлувчи ҳис-туйғуларимиз бу денгизни биз қандай идрок этишимизга боғлиқ бўлади. Виртуал тарвуз ҳақиқий тарвуздан ширин эмас, виртуал колбаса ҳақиқий колбаса ўрнини боса олмайди ва ҳ.к.

Виртуал борлиқни одамлар яратади. Шу боис виртуал борлиқда мавжуд барча нарсаларнинг манбаи инсон онгидир. Бинобарин, виртуал борлиқ онг, онг ости соҳаси ва фантазия чиғириғидан ўтувчи физик борлиқдан шаклланади. Виртуал борлиқ объектив тарзда, яъни инсон миясида эмас, балки компьютерда мавжуд бўлади. Айни вақтда, у инсон онгининг маҳсулидир. Инсон томонидан яратилганидан кейин у инсон онгидан қатъи назар яшашда давом этади, бу онгга ҳар хил таъсир кўрсатади, мазкур онгнинг мазмунига –

билимлар, эмоциялар, кайфият ҳамда онгнинг бошқа унсурларига қараб, ҳар хил идрок этилади.

Бугунги кунда виртуал борлиқ инсон маданий фаолиятининг турли соҳаларида қўлланилмоқда. Виртуал борлиқдан энг аввало у вужудга келган соҳада, фанда – физикада суюқлик ва газлар динамикасини моделлаштиришда, кимёда кимёвий реакциялар моделини тузишда, геология ва география фанларида фойдаланилмоқда.

Муҳандислик соҳасида, айниқса, хавфли шароитларда: очик космосда, денгиз ва океанларнинг чуқур жойларида, ядро муҳандислигида роботларни масофадан туриб бошқаришда виртуал борлиқ кенг қўлланилмоқда. Муҳандислик дизайнини автоматлаштириш жараёнида виртуал борлиқ технологияси айниқса қўл келмоқда. Компьютер дизайни ва унинг ажралмас ҳамроҳи – компьютер ишлаб чиқариши ракеталар ва самолётлар, автомобиллар катта бинолар конструкцияларини синовдан ўтказишда ягона жараёнга бирлаштирилди.

Виртуал борлиқ технологиясидан ҳарбийлар ҳам кенг фойдаланилмоқдалар. Масалан, АҚШ армиясида ҳарбий хизматчиларда мерганлик кўникмаларини шакллантиришда имитаторлардан, жанг шароитида тез ва тўғри қарорлар қабул қилиш кўникмасини шакллантириш учун эса ҳарбий докторлардан фойдаланилади. Жуда қимматга тушадиган ва атроф муҳитга катта зарар етказадиган ҳарбий машқлар имитация қилинмоқда. Танк қисмларида танкдан ўқ узишни ҳамда танк жангида аскарлар ва офицерларнинг шахсий иштирокини имитация қилувчи ҳарбий ўйинлардан фойдаланилмоқда. Лойиҳалаштирилган, лекин ҳали ясалмаган қурол-аслаҳа турлари синовдан ўтказилмоқда. Ҳарбийлар олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш учун ҳам компьютер имитациясидан фойдаланилмоқдалар.

Таълим соҳасида машқ тренажёрларини яратишда виртуал борлиқ технологиясидан фойдаланилмоқда. Яқинда виртуал кутубхоналар ва музейлар ташкил этиш концепцияси таклиф қилинди. Масалан, виртуал кутубхоналарда фойдаланувчи компьютер ёрдамида китоб жавонларининг визуал тасвири бўйлаб ҳаракатланиши, керакли

адабиётларни топиши ва олиб кўздан кечириши, зарур ҳолда эса улардан нусха кўчириши мумкин.

Виртуал музей концепцияси бир қадар бошқача. Виртуал музей фойдаланувчиларга коллекциядаги исталган экспонатни унинг табиий, уч ўлчовли кўринишида кўриш имконини беради. Аммо бу тасвирий ечиш қобилияти анча юқори бўлган дисплейларни тақозо этади.

Шундай қилиб, виртуал борлиқ назарий изланишлардан оммавий ахборот воситалари ва телекоммуникациялар ажралмас қисми бўлган ҳозирги замон маданиятининг таркибий қисмига айланди.

Дам олиш маданияти соҳасида компьютерлардан тобора кенг фойдаланилмоқда. Рўзғорда ишлатиладиган асбоб-ускуналарнинг аксариятига, ҳатто ўйинчоқларга ҳам микропроцессорлар ўрнатилмоқда. Микропроцессорли ўйинчоқларнинг тарқалиши оммавий тус олмоқда. Видеоўйинлар одамлар, айниқса, ёшлар турмуш тарзининг унсурларидан бирига айланмоқда. Виртуал борлиқ технологияси компьютер ўйинларининг негизини ташкил этмоқда. Бундай ўйинларнинг аксарияти тажриба тўплаш ва шунинг негизида ўйин топшириқларини мураккаблаштириш қобилиятига эга. Шаклланаётган компьютер маданиятига хос бўлган инсон ва компьютер ўртасидаги яқинлик айнан видеоўйинларда юзага келади. Видеоўйинлар фойдаланувчи онгининг шаклланишига, у виртуал борлиққа кириши ва уни бўйсундиришига катта таъсир кўрсатиши мумкин.

Шаклланаётган ахборот жамияти маданиятининг турли соҳаларида компьютерлардан тобора кенг фойдаланилмоқда. Чўнтак компьютерлари телефон ва адрес билдиргичларини, ҳар хил транспорт воситалари қатнови жадвалларини ўзида жамламоқда, стационар компьютерлар билан автоматик тарзда уланиш ва маълумотларни янгилаш имконини бермоқда. Одамнинг овозини таниб олиш имконини берувчи дастурлар ишлаб чиқилди.

Тиббиётда компьютердан фойдаланишнинг афзалликлари.

Соғлиқни сақлаш маданиятида, тиббиётда компьютерлардан айниқса кенг фойдаланилмоқда. Бу ерда улар аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш (диспансеризация қилиш), тиббий кўрикни

автоматлаштириш, флюорография ва рентген суратларига ишлов бериш, диагностика ва даволашда қўлланилмоқда. Масалан, тананинг исталган қисмини исталган чуқурликда «кесиб» кўрсатиш имконини берувчи компьютер томографияси вужудга келди. Микрохирургиянинг турли йўналишларида, хусусан, кўз хирургиясида компьютердан фойдаланилмоқда. Операцион аралашишда ўта аниқ ҳаракат қилиш талаб этиладиган нейрохирургияда робот-хирурглар яратилди. Инсон танасининг тузилиши ва фаолиятини ўрганиш, хирургик операциялар ўтказиш усуллари ишлаб чиқишга ёрдам берувчи электрон манекенлар яратилмоқда. Келажакда жарроҳлар оптик-тўқимали зондларга ўрнатилган стереоскопик камералар ёрдамида ўз асосий дисплейида инсон ички аъзоларининг уч ўлчамли тасвирини олишлари мумкин. Инсон ҳужайраси катталигидаги микророботлардан фойдаланиш ўта аниқ операцияларни амалга ошириш имконини беради. Ҳозир жаҳонда ҳар йили турли органларни трансплантация қилиш, юрак ва бошқа органларнинг стимуляторига ўхшаш электрон мосламаларни ўрнатиш бўйича 4 миллионга яқин операция амалга оширилмоқда. Ногиронларга, хусусан, умуртқа поғонаси касалликлари натижасида фалаж бўлиб қолган одамларга ёрдам бериш учун компьютердан тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Масалан, фалажларга ногирон креслосидан кўтарилиш имконини берувчи система ишлаб чиқилди: инсон ҳаракатланаётганида унинг мушаклари қисқаришига сабаб бўладиган нерв импульслари вазифасини компьютер бажаради. Кўрлар, карлар, бошқа жисмоний нуқсонларга эга шахслар компьютердан фойдаланишига ёрдам берадиган ҳар хил электрон мосламалар ишлаб чиқилмоқда. Бу жуда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга: минглаб одамлар меҳнат фаолиятига қайтиш, ўз ижтимоий алоқаларини кенгайтириш ва шу тариқа ўзининг оғир жисмоний касаллиги оқибатларини енгиш имкониятига эга бўлади. Диагностика аппаратураси имкониятларини кенгайтириш учун, юқумли касалликларни тадқиқ қилиш ва уларнинг тарқалишини прогноз қилишда компьютерлардан фойдаланиш айниқса муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Касалликларни диагностика қилиш янги методларининг аксарияти компьютерлар имкониятига таянади. Бу нуқтаи назардан компьютер томографиясининг вужудга келиши

диққатга сазовордир. У тананинг исталган қисмини ҳар қандай берилган катталиқда «кесиб» кўрсатади. Шифокорлар ўзининг азалий орзуси – тирик инсон организмда нималар содир бўлаётганини аниқ кўришга яқинлашмоқдалар. Тиббиёт хизматидаги компьютер бугунги кунда соғлиқни сақлаш маданиятини янада ривожлантириш эҳтиёжига айланган тиббиётнинг фан ва техника билан иттифоқининг жуда муҳим ва масъулиятли қисмидир.

Компьютер техникаси, автоматика ва меҳатроника меҳнат унумдорлигини ошириб, иш вақтини қисқартирмоқда ва айни вақтда инсоннинг бўш вақтини кўпайтирмоқда. Бунинг натижасида бўш вақтдан оқилона фойдаланиш муаммоси юзага келмоқда. Бу вақтдан одамлар шунчаки кўнгилхушлик учун ҳам, ўз тафаккурини ривожлантириш учун ҳам фойдаланишлари мумкин. Дж.Томсоннинг фикрича, ахборот жамияти ривожланиши билан одамларнинг бўш вақти тобора кўпайиб боради. Хўш, улар бу вақтдан қандай фойдаланади? Мусиқа ёки санъатга ишқибоз одамларда бўш вақтдан фойдаланиш муаммосини ҳал қилиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Муайян интеллектуал қобилиятларга эга бўлган, ҳатто етук ёшда ҳам болаларга хос қизиқувчанликни йўқотмаган шахслар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Аммо бундай одамлар жамиятимизда тобора камайиб бормоқда. Модомики шундай экан, аксарият одамлар ўз бўш вақтини супертелевидение, кино ва футбол ўйинлари ўртасида тақсимлашга маҳкум бўлиб қолмасмикан? Ж.Томсон бўш вақтдан фойдаланишнинг ўз нуқтаи назаридан мақбул шакллари – боғдорчилик, саёҳат, шу жумладан коинотга саёҳат, спортни қайд этади¹.

Таниқли немис мутафаккири М. Хайдеггер бу мавзуда мулоҳаза юритар экан, қадимгилар инсон ҳаётини икки соҳага ажратганини қайд этади. Бу соҳалардан бири инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлса, иккинчи соҳани улар дам олиш деб атаганлар. Аммо қадимги одамлар тасаввурида дам олиш фаолиятсизликни эмас, балки одамларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш фаолиятини назарда тутган. Ҳокимият, ташкилотлар, жамият, фан ва санъат шунга хизмат қилган. Бўш вақтни оқилона ўтказиш муаммосига олис қадимдаёқ катта аҳамият берилган.

¹ Томсон Дж. Предвидимое будущее. - М.: Иност. Литер, 1998. - С. 159

Одамларнинг фаол - ўзгартирувчи фаолиятининг самарадорлиги ошиши, бу фаолият воситалари мукаммаллашиши билан одамларнинг бўш вақти кўпайиб, ундан оқилона фойдаланиш масаласининг аҳамияти ортиб борган¹.

Ахборот жамиятида бўш вақт мақсадсиз вақт ўтказишга эмас, балки шахснинг интеллектуал ва жисмоний-руҳий фазилатларини ривожлантириш вақтига айланади. Дам олиш эркинлиги ва бўш вақтнинг муҳим ижтимоий муаммога айланиши дам олиш саноатини барпо этишни тақозо этади. Бу саноат, бир томондан, янги иш жойлари ташкил этса, иккинчи томондан, одамлар турмуш тарзининг ўзгаришига имконият яратади.

Шаклланаётган янги жамият маданиятида унинг ахборотлашуви таъсирида мураккаб жараёнлар содир бўлмоқда. Бу жараёнлар маданиятнинг инсонпарварлашуви, маданиятнинг оммавий фойдаланишдан индивидуал фойдаланишга ўтиши ва ҳоказолар билан боғлиқ. Ахборот дунёси маданиятида содир бўлаётган сифат ўзгаришлари жамиятнинг ривожланиши ва фаолиятида бу маданиятнинг ролини оширмоқда. Инсоният ижтимоий қарама-қаршиликлар, миллий адоват, қонли урушлар, инқилоблар, иқтисодий, сиёсий ва маданий инқирозлар оша, ахборот жамияти орқали, инсонпарварлик маданияти сиёсат, иқтисодиёт, фан ва техникадан устун турадиган антропоген цивилизация сари бормоқда. «Бугунги кунда маданият янгиланиш ва ижтимоий ривожланишга йўл очади, - деб қайд этади П. Козловски, - у янги техникани амалга жорий этишни ва жамият уни эътироф этишини енгиллаштиради, халқаро алоқаларнинг ривожланишига имконият яратади. Маданият ижтимоий тараққиётнинг мезони бўлиб хизмат қилиши лозим»¹. Маданият ахборот технологияси, хусусан, компьютер технологияси яратган имкониятлардан фойдаланган тақдирдагина ўзининг юқорида зикр этилган тарихий миссиясини бажариши мумкин. Айнан маданият ва информатиканинг иттифоқи информатикага инсон ҳаёти ва фаолиятининг глобаллашуви бошланган ҳозирги шароитда нафақат ўз мамлакатлари ҳаётида, балки халқаро майдонда ҳам катта рол ўйнаш имконини беради.

¹ Хайдеггер М. Время и бытие. - М.: Республика, 1993. - С. 182

¹ Козловский П. Культура постмодерна. - М., 1997. - С. 217

ХУЛОСА

XX аср техника юксак тараққий этган аср бўлиб, инсоният ҳаётида мисли кўрилмаган кашфиётларнинг яратилишига олиб келди. Сўнгги ўн йилликдаги ахборот инқилоби, глобаллашаётган ахборот воситалари, жамиятни ахборотлаштириш жараёнларини бутунлай ўзгартириб юборди. Ҳозирги даврда “ахборот босими”нинг кучайиб кетаётганлиги ахборотларни танлаш, саралаш ва фойдаланиш йўналишларини оптимал, конструктив, рационал ташкиллаштириш ҳамда бошқариш усулларини такомиллаштиришни кун тартибига қўймоқда. Шу маънода, Э.Тоффлер ахборотлашган жамият “бизни стандартлаштириш – маҳсулотларнинг бирхиллигидан, гомоген санъат, оммавий таълим “оммавий” маданиятдан олиб кетади. Жамиятнинг технологик ривожда биз диалектик асосланган пайтга эришдик. Ва бу индивидуаллигимизни бузишдан йироқ бўлган технология, сезиларли даражада танлаш имкониятларимизни ва эркинлигимизни оширади»¹ деган фикрни билдирган эди.

Жамиятимизда содир бўлаётган ислохотлар ва модернизация жараёнлари XXI асрда давлатнинг таълим сиёсатини янгидан куришни тақозо этмоқда. Бўлғуси мутахассисларда дунёқараш маданияти ва умуминсоний, маънавий қадриятлар ҳамда шахсий масъулият ҳиссини мустақил ижодий фикрлаш тарзини, келажак мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш кўникмаларини шакллантириш вазифаси биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.

Умуман олганда, жамият муайян интеллектуал салоҳиятга эга бўлган тақдирдагина ахборот техникаси илмий тараққиётга туртки бериши мумкин. Президентимиз И.А.Каримов фикрича: “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш нақадар улкан аҳамиятга эга эканлигига биз яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Уни амалга оширмасдан ўз истиқболимизни кўришимиз мумкин эмас. Миллий дастурни амалга ошириш стратегик мақсадимиз - раванқ топган, кучли демократик давлат ва фуқаролик жамияти куришга эришишнинг негизи бўлиши лозим десак, муҳолафа бўлмайди. Бу тамойлга биз бундан буён ҳам амал қилишимиз керак”².

¹ Тоффлер Э. Футурошок. - М.: ООО.АСТ, 2000. – С. 225

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - Б.18

Ахборотлаштириш жараёни жамият тараққиётига, инсонга таъсирининг ижобий ва салбий жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳозирги замон фанининг ривожланиши ва фаолиятига ҳам катта туртки беради, уни сифат жиҳатидан ўзгартириш, фанда инқилоб яшашнинг ҳал қилувчи омили бўлиб хизмат қилади. Бу илмий инқилоб жараёнида эски илмий парадигма ўрнига дунёнинг янги манзарасини шакллантиришга йўналтирилган янги парадигма вужудга келди. Ижтимоий мўлжаллар янги парадигманинг ўзагини ташкил этади. Бу парадигма таълимнинг ижтимоийлашуви ва инсонпарварлашувини назарда тутди.

Тажрибавий амалий матнлар:

Маданият, техника, ахборотлашган жамият, билим, ахборот, ахборот техникаси, микроэлектроника, компьютер, компьютерлаштирилган жамият, компьютер саводхонлиги, компьютер маданияти, компьютер одоби, компьютер жиноятчилиги, хакер, инсон – компьютер, постмодернизм, ахборотлаштириш, ахборот хавфсизлиги, техноморф маданият, антропоморф маданият, инсонпарварлашув, санъат, виртуал борлиқ.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар:



Ахборотлаштиришнинг салбий оқибатлари

→ шахс ва жамиятнинг ахборот хавфсизлиги муаммоси долзарб тус олади.

→ Тобора мураккаблашиб бораётган ҳисоблаш техникасидан қўрқиш (компьютерофобия)

→ компьютерда ишлашда электромагнит нурланиш ва одамлар чарчоғининг ортиши;

→ компьютер вирусларининг зарарли таъсири

→ ахборотлаштириш жараёнининг ноинсонпарварлашуви

→ ахборотлаштириш жараёнининг ҳарбийлашуви

→ ижтимоий онгни манипуляция қилиш

→ одамлар хулқ-атворида изоляцион тенденцияларнинг кучайиши; ижтимоий ва оилавий алоқаларнинг сусайиши

→ компьютер ёлғизлиги, янги маънавий-маданий мўлжалларнинг шаклланиши

→ рухий касалликлар, реал дунёни виртуал дунёга алмаштиришга уриниш

**«инсон – компьютер» системасини лойихалаш ва тузиш чоғида
муайян грухий эргономик кўрсаткичлар**

антропологик кўрсаткич: у ишловчи одам танасининг катталиги ва шаклига, тана қисмларининг ҳаракатчанлигига ва бошқа кўрсаткичларга компьютер ҳамда машина интерфейсининг мувофиқлигини тартибга солади.

Инсон ва компьютер алоқаси: инсоннинг ҳаёти, фаолияти ва иш қобилиятининг гигиеник шарт-шароитларини тавсифлайди. У иш жойида микромуҳитнинг нормал метеорологик шарт-шароитларини яратишни ва ташқи муҳит зарарли омилларининг таъсирини чеклашни назарда тутди.

физиологик ва психофизиологик кўрсаткичлар: инсоннинг куч, тезлик, қувват, кўриш, эшитиш, сезиш, ҳид билиш қобилияти ва имкониятларига «инсон – компьютер» системасининг мувофиқлигини белгиловчи эргономик талабларни тавсифлайди

психологик кўрсаткич: одамнинг идрок этиш, эслаб қолиш, фикрлаш, психомоторика имкониятлари ва хусусиятларига, унинг мустаҳкамланган ва янги шаклланаётган кўникмаларига, группавий алоқалар даражаси ва хусусиятига, «инсон – компьютер» системасини биргаликда бошқариш фаолиятининг мазмунига машинанинг мувофиқлигини акс эттиради.



Такрорлаш учун саволлар:

1. Техникалашувнинг инсон маданиятидаги ижобий ва салбий таъсирлари нималардан иборат?
2. Маданиятнинг ривожланишида техниканинг роли ҳақидаги қандай қарашларни биласиз?
3. Э.Тоффлернинг “Футурушок” асарининг мазмун моҳияти нималардан иборат?
4. Компьютер ва одамлар саломатлиги муаммолари нималарда намоён бўлмоқда?
5. Постмодернизм нима?
6. Ахборот техникаси ва санъат ўртасидаги ўзаро муносабат масалалари қандай?
7. Компьютер одоби, компьютер саводхонлиги ва компьютер маданияти деганда нималарни тушунасиз?
8. Компьютер жинойтларининг асосий турларига нималар киради?
9. Виртуал борлиқ деганда нимани тушунасиз?
10. Тиббиёт соҳасида компьютерлардан фойдаланишнинг афзалликлари нималардан иборат?

Мустақил иш:

1. Маданиятнинг ахборотлашуви (кроссворд).
2. Э.Тоффлернинг «Футурошок» асарининг таҳлили.
3. Замонавий ахборот технологияси ва санъат уйғунлиги (эссе).
4. Жамиятнинг компьютерлашуви жараёнида компьютер қароқчилиги муаммоси.
5. Жамиятнинг ахборотлашуви жараёнида “Виртуал борлиқ”дан фойдаланиш масалалари.
6. Тиббиётда компьютердан фойдаланишнинг афзалликлари.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.-Т.:Ўзбекистон, 2000, -34 бет.
2. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 58- 134 б.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш – Т.:Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир –Т.:Ўзбекистон, 2010. –80 Б
5. Замонавий рақамли ахборот телекоммуникация ва компьютер технологияларини жорий этиш вазифалари// Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. Қ.Назаров таҳрири остида. - Т.: Академия, 2005. - Б.59
6. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати.- Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009, -272 бет
7. Фалсафа қомусий луғат.-Т.:Шарқ, 2004, 424 бет.
8. Фалсафа. Энциклопедик луғат.-Т.:”Ўзбекистон миллий энциклопедия”, давлат илмий нашриёти. 2010
9. Ғофуров Б., Ҳидиров К. Интернет ва миллат манфаати // Халқ сўзи, 2005, 13 май
10. Мухамедова З. Таълимнинг инсонпарварлашуви.-Т.,1-ТашГосМИ, 2004.
11. Чумаков А.Н. Глобализация информационных процессов // Глобализация.-М.: Наука, 2005.-С.53
12. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси.- Т.:Университет, 2005, 21-27 б
13. Тоффлер Э. Новая технологическая волна на Западе. - М.: Прогресс, 1986. С.161.
14. Швейцар А. Культура и этика. -М.: Прогресс, 1973, С-78
15. Ортега-и-Гассет Восстание масс // Избр. труды. -М.: Весь мир, 1997, С. 221
16. Тоффлер Э. Футурошок. - М.: ООО.АСТ, 2000. - 297 с

17. Томсон Дж. Предвидимое будущее. - М.: Иност. Литер, 1998. - 159 с.
18. Хайдеггер М. Время и бытие. - М.: Республика, 1993. - 182 с.
19. Фромм Э. Иметь или быть?- М.: Республика, 1990, с. 120.
20. Ленк Х. Размышления о современной технике.- М., 1996, с. 108
21. Лем С. Собрание сочинений. -М. 1995, Т.10, с. 248, 250.
22. Розанов В.В. Мысли о литературе. - М., 1993, с. 223.
23. Марков Б. Очерки социальной антропологии. -СПб, 1998, с. 25
24. Козловский П. Культура постмодерна. - М., 1997, с. 217.
25. Огбёрн Г. Философия техники. –М.:Современные тетради, 2005. – С.35
26. Чоу Ч. Современная западная культура. –М.: Алтейя, 2006. – С.145
27. Циммер В. Информатика и информатизация. – М.: Энциклопедия, 2001. – С.109
28. Мур Ж. Компьютеризация XXI века.- М.: Алтейя, 2000. – С.15
29. Маркузе Г. Техногенная цивилизация. – М.: Элигия, 1998. –С. 45
30. Уильямс Т. Компьютеризация здоровья. – М.: АСТ, 1996. –С.85

М У Н Д А Р И Ж А:

Кириш	3
Маданият ва техника муштараклиги.	5
Компьютер ва одамлар саломатлиги муаммоси.	18
Ахборот техникаси ва санъат.	24
Компьютер одоби.	26
Компьютер жинойтчилиги.	28
Виртуал борлиқ.	31
Тиббиётда компьютердан фойдаланишнинг афзалликлари.	34
Хулоса	38
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	44

МАВЛУДА ЁЌУБОВА

**ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
МАДАНИЯТНИНГ АХБОРОТЛАШУВИ
(услубий қўлланма)**

Муҳаррир:	Ш.Қаҳҳарова
Компьютерда саҳифаловчи:	Х.Соқиев

Босишга рухсат этилди 26.10.2010 й.
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Нашр табоғи: 3,0
Адади: 100 нусха. Буюртма : №